



УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазир Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўлмалли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 16 сентябрь куни Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев сафар давомида вилоятнинг Жиззах шаҳри, Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик туманларида бўлди.

Жиззах вилояти фаоллари билан бўлиб ўтган йиғилишда давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Ватанимиз озодлиги, юрт равнақи, тинчлигини таъминлаш борасидаги фаолияти, беқиёс хизматлари алоҳида қайд этилди. Халқимиз қалбидан чуқур жой олган бу буюк сиймонинг ҳаёт йўли бугунги ва келажак авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўташи таъкидланди. Сўнгги чорак аср мобайнида

эришилган оламшумул ютуқларимиз қўламини янада ошириш барчамизнинг бурчимиз эканига алоҳида ургу берилди.

Шу билан бирга, танқидий руҳда ўтган мазкур йиғилишда вилоятда саноат соҳасининг ривожланиши, етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги галла экиш мавсумининг боришига доир масалалар таҳлил этилди. Иқтисодиётда олиб борилаётган ислохотларни изчил ривожлантириш борасидаги долзарб вазифалар, коммуникация тизимларини янада тараққий эттириш, ободонлаштириш, замонавий бино

ва иншоотларни қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Аҳоли турар жойлари фонди ва ижтимоий соҳа муассасаларини кузги-қишги мавсумга тайёрлаш, саноат ва бошқа соҳаларнинг бир маромда фаолият юритишини таъминлаш масалалари ҳам йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Шу куни Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Иш фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун Жиззах шаҳар ҳокими Асрор Қобилов ўз вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига кўра, Жиззах шаҳар

ҳокими вазифасига Абдуқаҳҳор Тўхтаев тасдиқланди.

Шу куннинг ўзида яна бир нечта ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, ишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни учун Жиззах вилояти прокурори, шунингдек, қатор туман ҳокимлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди ва уларнинг ўрнига янги номзодлар тасдиқланди.

Жиззах вилояти раҳбарияти зиммасига аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, барча соҳа ва тармоқларни ривожлантириш бўйича белгиланган дастурларни ҳаётга изчил жорий этиш ва уларнинг самардорлигини оширишга йўналтирилган долзарб ва истиқболли чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклатилди.

ЎЗА

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.



Мажлисида шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Асосий тадбирлар дастури асосида пухта ҳозирлик кўрилаётгани таъкидланди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилди.

Сайлов округлари рўйхати сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Шунингдек, мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй.

Сайловчилар сони — 1188763 киши. Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Андижон вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 32-уй.

Сайловчилар сони — 1984247 киши. Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Бухоро вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 3-уй.

Сайловчилар сони — 1265163 киши. Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шох кўчаси, 70-уй.

Сайловчилар сони — 844309 киши. Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — «Фарҳод» маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шох кўчаси, 58-уй.

Сайловчилар сони — 641380 киши. Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй.

Сайловчилар сони — 1771067 киши. Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй.

Сайловчилар сони — 2373738 киши. Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

Марказий сайлов комиссияси Раиси

Тошкент шаҳри,
2016 йил 15 сентябрь

М.АБДУСАЛОМОВ

■ ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Пойтахтимизда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Парламент комиссияси аъзолари, ижтимоий шериклик субъектлари — ижроия ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ, фуқаролик жамияти институтларининг лойиҳа ва дастурларини

Лойиҳа ва дастурлар қўллаб-қувватланмоқда

давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари атрофида муҳокама этилди.

Таъкидландики, истиқлол йилларида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти асослари шакллантирилди ва изчил ривожлантирилмоқда. Бу борада тизимли ишлар олиб борилапти.

Жорий йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа

институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан давлат ижтимоий буюртмаси тақдим этиш ва давлат грантлари ажратиш бўйича олти таанлов ўтказилди. Уларда 970 ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этди ва 1103 лойиҳа тақдим қилинди. Давлат гранти таанловлари натижаларига кўра, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик бўлган 214 лойиҳа

қўллаб-қувватланди ва уларга 5 миллиард 230 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, Парламент комиссияси аъзолари жамоат фонднинг давлат ижтимоий буюртмаси тақдим этиш ва давлат гранти ажратиш бўйича қўшимча таанловларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқди. Ушбу таклифлар жойларда ўтказилган семинар-тренингларда шаклланди.

Лойиҳалар доирасида

жойлардаги давлат бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда «Ғояга қарши ғоя: жаҳолатга қарши маърифат билан», «Мен Ватанимни севаман», «Жамиятда менинг ўрним бор» каби мавзуларда туркум тадбирлар ўтказилади.

Йиғилишда ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга йўналтирилган қўшимча таанловни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ИСТИҚЛОЛ ИМКОНиятлари

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА

полиграфия ва қадоқлаш маҳсулотлари намойиш этилди

Пойтахтимизда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва «ITE Uzbekistan» компанияси ҳамкорлигида «Полиграфия ва қадоқлаш — O'ZBEKINPRINT — O'ZUPACK — 2016» ҳамда «Кимё ва пластмасса саноати — Chemie & Plastex Uzbekistan — 2016» халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

Унда Германия, Миср, Ҳиндистон, Италия, Канада, Хитой, Россия, Тайван, Туркия ва мамлакатимиздаги 50 дан ортиқ компанияларнинг маҳсулотлари тақдим этилди. Кўргазмада саноат қадоқлаш ва полиграфия бозорининг энг янги йўналишлари намойиш этилди.

Кўргазмада компаниялар босма маҳсулотларга яқка тартибдаги буюртмалар ҳамда катта тиражадаги нашрларни тайёрлашга қодир бўлган йирик саноат объектлари учун қулай бўлган замонавий техник ускуналар билан иштирок этди.

«Кимё ва пластмасса саноати — Chemie & Plastex Uzbekistan — 2016» халқаро кўргазмасида соҳадаги ишланма ва тадқиқотлар натижалари, маҳсулот ва ускуналарнинг энг янги турлари, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш



нинг сўнгги технологиялари намойишга қўйилди.

Ўзбекистонда пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш борасида катта ишлар қилинаётган экан, — дейди Хитойнинг «Kongin» компанияси бош директори George Xu. — Кўргазмага юртингиз бозори билан танишиш

учун келдик. Ушбу тадбирдан сўнг «Жиззах» махсус индустриал зонасини қўздан кечирмоқчиман. У ердаги пластмасса заводларининг ишини кўриб, келажакда юртингиз тадбиркорлари билан биргаликда иш олиб боришни режалаштирганмиз.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда пластмасса маҳсулотлари

ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналар етказиб беришда Хитой етакчилик қилмоқда.

Кўргазмада намойиш этилган замонавий ускуналар маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг янада ортишига хизмат қилади.

Шаҳбоз САИДОВ

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

■ Сиёсий партиянинг устуни, уни халқ билан боғлаб турадиган таянч маҳаллий кенгашлар ҳисобланади.

Партиянинг таъсир кучи

кўп жиҳатдан маҳаллий кенгашлар фаоллигига боғлиқ

Сиёсий партия
ғояларининг
ҳаётда ўз аксини
топиши,
электорат
манфаатлари
ҳимоя қилиниши
кўп жиҳатдан
маҳаллий
ташкilotлар ва
депутатлик
бирлашмалари
фаолиятига
боғлиқ. Қайси
туман ёки
шаҳарда партия
ташкilotлари
фаол бўлса, ўша
худудда сиёсий
кучнинг обрўси
юқори бўлади,
тарафдорлари
сони ортади.

■ ҚОНУН ВА ШАРҲ

Ёшларга оид давлат сиёсатининг
ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун 15 сентябрь куни матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди. Қайд этиш керак, мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат баркамол авлодни вояга етказишда, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишда муҳим ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Қонунда «ёшларга оид давлат сиёсати», «ёшлар (ёш фуқаролар)», «ёш оила», «ёш мутахассис» каби асосий тушунчаларнинг мазмунини очиқ берилган, ёшларнинг қонуний манфаатлари, хусусан, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий кафолатлари белгиланган. Жумладан, ёшлар (ёш фуқаролар) деганда, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар назарда тутилган.

Шунингдек, ёш оила тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, ёш оила деганда, 30 ёшдан ошмаган эр-хотиндан ёхуд фарзанд (бола) парваришлайётган ота ёки онадан иборат бўлган оила, шу жумладан ёлғиз, бева эр (хотин) тушунилади.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари ҳамда муассасаларнинг ваколатлари кўрсатилган. Бундан ташқари, ёшлар нодавлат нотижорат ташкilotларининг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, улар фаолиятининг кафолатлари белгиланган.

Ўз навбатида, қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган

тахририятида партиянинг бошланғич ташкilotи тузилган. Унинг етакчиси Матлуба Ҳожи-муродова партия ғояларини тарғиб этишда фаоллик кўрсатмоқда. Мазкур нашрда депутатларимиз, партия фаолларининг чиқишини мунтазам равишда ташкilot этиб келаямиз.

Аммо барча йўналишдаги ишларимиз юқори савияда кетаяпти, деб бўлмайди. Сиёсий ўқувларни ташкilot этишда замонавий ахборот-технологияларидан унумли фойдаланишимиз зарур. Электорат билан ишлашнинг янги усулларини амалиётга ўтказиш жорий этиш учун замон талаблари даражасида фаолият юритишимиз керак бўлади.

— Депутат халқ вакили экан, энг аввало, ўзи сайланган худуддаги аҳоли манфаатлари ҳимояси учун курашиши зарур, — дейди халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Дониёр Мирзакулов. — Бу, айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолиятида ўз аксини топиши лозим. Депутатлик ваколатларидан фойдаланишдаги энг асосий воситалардан бири — депутатлик сўрови ҳисобланади. Айнан депутатлик сўровларига қараб, партия гуруҳининг ишига баҳо бериш мумкин. Жорий йилнинг шу даврига қадар партия гуруҳимиз аъзолари томонидан ижро ҳокимияти, турли корхона ва ташкilotлар раҳбарларига 20 дан ортқ депутатлик сўрови юборилган. Уларда қўллаб-йўлловчи иқтисодий масалаларга эътибор қаратилган. Сўровларга қонунчиликда белгиланган муддатларда жавоблар берилган.

Бироқ депутатлар партияимизнинг Ҳаракат дастурида кўзда тутилган масалаларни доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига киритишда етарли

даражада фаоллик кўрсата олмаяпти. Бундан кейинги фаолиятимизда ана шу масалага янада жиддий эътибор қаратишимиз лозим.

— Ҳалқ тарғиботини кучайтириш маҳаллий партия ташкilotларининг муҳим вазифаларидан биридир, — дейди Бекобод шаҳар кенгашидаги тарғибот гуруҳи аъзоси Абдулла Исмаилов. — Шу боис кенгашимизда маънавий фидойилари, педагоглар, сиёсатшунослар ва ижодкорлардан иборат тарғибот гуруҳи ташкilot этилган. Ҳар ойда камида 2-3 марта тарғибот тадбирлари ўтказишга ҳаракат қилаяпти. Бу йил «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ҳамда Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган мулоқотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Ҳозиргача 15 дан

Етакчилар
аҳолидан тушган
муружаатлар
асосида ҳамда ўз
ташаббуслари
билан
депутатларга
муайян ижтимоий
масалаларни ҳал
этиш юзасидан
таклифлар
киритмоқда.

ортқ ана шундай тарғибот тадбирлари ўтказилди. Йил охирига қадар бу борадаги ташаббусларимиз изчил давом этади.

— Бошланғич ташкilot қанчалик фаол, ташаббускор бўлса,

партиянинг обрў-эътибори, таъсир кучи ҳам шунчалик юқори бўлади, — дейди Бекобод шаҳар «Андижон» маҳалласидаги худудий партия ташкilotи етакчиси Робия Қодирова. — Бу ҳақиқатни англаган бошланғич ташкilot борки, ўз иштини кучайтиришга ҳаракат қилаяпти. Йил бошида аъзоларимиз томонидан аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш масаласи ўрганиб чиқилди. Худудимиздаги айрим кўп қаватли уйнинг лифтлари таъмир-талаб экани, хонадонларга олиб кирувчи йўлаклар, ертўлаларда электр чироклари йўқлиги маълум бўлди. Биз ўрганиш натижаларини Бекобод шаҳар Кенгашидаги партияимиз гуруҳига тақдим этдик. Партия гуруҳи йиғилишида масала ҳар томонлама муҳокама этилиб, унинг ечими бўйича мутасадди идораларга депутатлик сўровлари юборилди. Қисқа вақт ичида кўп қаватли уйлардаги лифтлар таъмирланди. Ертўлаларда электр чироклари, подъездларга темир эшиклар ва ракамли қўлфлар ўрнатилди. Мавземизнинг ён-атрофи ободонлаштирилиб, болалар майдончаси ташкilot этилди. Маҳалламиз кўркам ва обод, фойзли масканга айланди.

Умуман олганда, Бекобод шаҳар партия ташкilotи ҳамда депутатлик бирлашмаси фаолиятида намунали ишлар оз эмас. Шу боис бугун мазкур худудда партияимиз тарафдорлари сони ортқ бормоқда. Сиёсий партиянинг устуни, уни халқ билан боғлаб турадиган таянч маҳаллий кенгашлар ҳисобланади. Уларнинг фаолияти талаб даражасида ташкilot этилсагина, партияимиз нуфузи ошади, одамлар ишончи мустаҳкамланади.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДАВЛАТ
БЮДЖЕТИНИНГ
ИЖРОСИ
Кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

Қонун тартибидеги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза қилди.

Таъкидланганидек, иқтисодий диверсификация қилиш ва таркибий ўзгариш, ишлаб чиқаришга энг замонавий, илғор технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш жаҳон майдонида миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЙИМ) ўсиши 7,8 фоизни ташкilot этиб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 6,7 фоизга ошди.

Ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмини 11,8 фоизга ва пудрат-қурилиш ишлари ҳажмини 17,5 фоизга ошириш имконини берди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига ташки сабаб айланмасининг ижобий салдоси, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотида нисбатан 0,1 фоиз про-фицити ва инфляция даражасининг пастлигини ифо-да этган макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш орқали эришилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналиштирилиши таъмин-ланиб, улар мамлакатимиз аҳолисининг турмуш да-ражаси ва сифатини оширишга хизмат қилди. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси масалалари диққат марказида бўлди. Қишлоқ жой-ларида намунавий лойиҳалар бўйича зарур муҳан-дислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган 13 мингта яқна тартибдаги уй-жой қуриш-ни ташкilot этиш борасида чора-тадбирлар қури-лмоқда. Айни пайтда 5,1 мингдан зиёд уйлар қуриб битказилди.

Муҳокамалар давомида депутатларнинг Давлат бюджети ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан берган саволларига ҳукумат вакиллари атрофлича жавоб берди.


Мамлакатимиз Давлат бюджетининг 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижросини ҳар томонла-ма муҳокама қилиш чоғида сиёсий партияларнинг фрак-циялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутат-лар гуруҳи вакиллари нуктаи назарлари ва фикрла-рини баён қилиб, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет ташкilotларида молиявий интизомга амал қилиш, давлат органлари-нинг мамлакатимиз Бюджет кодексига риоя қилиш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тавсияла-рини берди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракция-сидан сўзга чиққанлар мажлис иштирокчиларининг диққатини аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожланти-риш масалалари, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури-нинг амалга оширилишига қаратдилар. Хусусан, 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида 462,5 мингта янги иш ўринлари яратилганлиги, шундан 59,8 фоизи қишлоқ жойларида эканлигини эътироф этишди.

Шу билан бирга, фракция аъзолари Бандлик дастури ижросининг таъминлиниши юзасидан бир қатор таклифлар киритишди. Бунда, таъ-кидланганидек, давлат ҳокимияти ва бошқару-ви органлари томонидан Бандлик дастурининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш за-рур.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама да-вомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклиф-ларни инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси-нинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғриси-даги ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати
(Материал қисқартирилган ҳолда берилмоқда).



тадбирларини қабул қилган. Жум-ладан, АҚШ ва Японияда ёшлар 13-14 ёшдан 29-30 ёшгача қилиб белгиланган. Германияда ёшлар «қичик ёшдаги ёшлар» (14-18 ёш) ҳамда «катта ёшдаги ёшлар» (18-27 ёш)га бўлинади. Болгарияда 15 ёшдан 29 ёшгача, Россияда эса 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган барча шахслар ёшлар тоифасига тааллуқлидир.

Ушбу Қонуннинг қабул қили-ниши: биринчидан, «ёшлар», «ёш оила», «ёш мутахассис», «ёшлар тадбиркорлиги» сўзлари-нинг мазмунини қонун йўли бил-лан белгилашга; иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналиш-ларини белгилашга; учинчидан, ёшларга оид давлат сиёсати со-ҳасидаги давлат бошқарувини ушбу жараёнда иштирок этади-ган ҳар бир субъект ваколатла-рини мустаҳкамлаган ҳолда та-комиллаштиришга; тўртинчидан, Ўзбекистонда ёшларни ҳар то-монлама ривожлантиришни раг-батлантирадиган қўшимча давлат кафолатларини кенгайтириш ва ўрнатишга; бешинчидан, ёшлар ўртасидаги тадбиркорлиқни яна-да ривожлантиришга имкон бе-ради.

Давронбек ОЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти етакчи
илмий ходими.

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНИАТЛАРИ

БУХОРОГА

«Афросиёб»
поездида
борамиз

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ матбуот хизмати юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электропоезди қатнови Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Тошкент йўналишида 15 сентябрдан бошлаб йўлга қўйилганини маълум қилди.

Поезд Тошкентдан соат 08:00 да жўнайди ва соат 11:47 да Бухорога етиб боради. Бухородан эса соат 15:21 да жўнайди, соат 19:10 да Тошкентга етиб келади.

Бухорога қатновчи «Афросиёб» поездининг чиптаси 95 минг сўмдан бошланиб 182 минг сўмгача туради.

Қатнов ҳар кун амалга оширилади.

КЮДЗО
КАТО
вафот этди

Япония Миллий этнология музейи фахрий профессори, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси Кюдзо Като 94 ёшида вафот этди. Бу ҳақда uz24.uz сайтида хабар берилди.

Япон профессори Като Ўзбекистон тўғрисидаги кўплаб илмий ишлар муаллифи бўлиб, ушбу заминни ўзининг иккинчи Ватани деб ҳисобларди. У 25 йилдан ортиқ Ўзбекистон Фанлар Академияси ва кўплаб илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилди, турли лойиҳаларда қатнашди. Сурхондарё вилоятида археологик қазинмалар (Далварзинтепа, Қоратеп, Холчаён, Фаёттепа) олиб борди. Ушбу хизматлари учун Кюдзо Като мамлакатимизнинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

■ Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида туради.

ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА
НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 12-15 сентябрь кунлари Россиянинг Москва шаҳрида «Food Moscow — 2016» озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз компания ва корхоналари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида амалга оширилган ишлар самарасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб бормоқда. «Made in Uzbekistan» ёрлиги туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида кенг ўрин эгалламоқда.

Бу жараёнда Ислам Каримовнинг 2013 йил 8 августдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси муҳим роль ўйнамоқда. Жамғарма ишлаб чиқарувчиларнинг чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиши, хариддорлар топиши ва шартномалар тузишига, экспорт жўрғофиясини кенгайтиришга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида туради. Мамлакатимизда кишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ишлар самарасида 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорларига экспорт қилинаётир. Сўнгги уч йилда ташқи бозорга йўналтирилаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уч барбардан ошди. Озиқ-овқат товарларини аҳолига узлуксиз етказиб бериш, сифати ва хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда. Мисол учун, 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат, хусусан, гўшт, сут, қандолат

маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги кунга келиб кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи юртимизда етиштирилмоқда.

Ишбилармонларимизнинг турли мамлакатларда ўтказилаётган халқаро ярмарка ва кўргазмалардаги фаол иштироки мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. «World Food Moscow» кўргазмаси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этди.

«World Food Moscow» халқаро кўргазмасида АҚШ, Хитой, Миср, Саудия Арабистони, Бразилия,

Мамлакатимизда кишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ишлар самарасида 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорларига экспорт қилинаётир.

Аргентина, Нидерландия, Италия, Испания, Хиндистон, Арманистон, Эрон каби дунёнинг етмишга яқин мамлакатидан юзлаб фирма ва компаниялар иштирок этди. Мазкур форумда озиқ-овқат маҳсулотлари, уларни етиштириш ва қайта ишлашга оид энг сўнгги ютуқлар намойиш этилди. Мева ва сабзавотлар, гўшт, сут, денгиз, қандолат ва нон маҳсулотлари, техника ва технологиялар каби йўналишларга оид ўнлаб бўлимлар ишлади.

WorldFood
Moscow

2016



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармасидан маълум қилишларича, мазкур халқаро кўргазмада мамлакатимизнинг озиқ-овқат соҳасида иш юритувчи «Euro Food Trade», «Tasty Production», «Green Agro Invest», «Samo-Produkt», «Мехри-

лан ўзаро алоқа ўрнатиш ва ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Тадбиркорларимиз томонидан жами икки миллион доллардан зиёд экспорт шартномалари имзоланди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар фойдалигимиз ривожига муҳим омил бўлаётди, — деди «Мехриг» кичик корхонаси раҳбари Ҳожиакбар Абдураззоқов (Фарғона вилояти). — 1992 йилда ташкил этилган корхонамиз шифобахш асал маҳсулотлари ва ўсимликлардан табиий, шифобахш чойлар тайёрлашга ихтисослашган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида турли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиб, маҳсулотларимизни экспорт қилмоқдамиз. «World Food Moscow — 2016» халқаро кўргазмаси биз, тадбиркорлар учун самарали бўлди. Унда кўплаб компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказдик, қатор битимлар имзоладик.

«World Food Moscow — 2016» мамлакатимиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари хизматларини халқаро бозорларга тақлиф этиш, хорижий давлатлар ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш, мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришиш, юртимизга инвестициялар жалб этиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, халқаро бозор талабларини ўрганиш имконини берди. Унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар экспорт ҳажмини ошириш ва жўрғофиясини кенгайтиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

КҮРИК-ТАНЛОВ

ОБОДЛИК ВА ОЗОДАЛИК
ФИДОЙИЛАРИ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан пойтахтимиз ободончилигига, кўча ва хиёбонларнинг озодалигига ҳисса қўшиб келаётган ишчи-ходимлар ўртасида ташкил этилган кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.


Тадбирни очган бошқарма касба уюшма кўмитаси раиси Сайёра Дўсматова йил давомида амалга оширилган ишлар бўйича энг яхши натижаларга эришган ишчи-ходимлар номини эълон қилди. Шундан кейин мазкур бошқарма бошлиғи Абдувоҳид Каримов томонидан ғолибларга I, II, III даражали диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Пойтахтимиз йилдан-йилга кўркамлашиб, тобора чирой очиб борапти, — дейди Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Дилфуза Исмоилова. — Бунда албатта ободонлаштириш соҳаси ходимларининг хизмати бениҳоя катта. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, уларнинг

кўпчилигини хотин-қизлар ташкил қилади. Кўрик-танлов натижаларини баҳолашда узоқ йил ишлаб, обрў қозонган, ўз вазифини сидқидилдан бажариб келаётган хотин-қизлар меҳнати алоҳида эътиборга олинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар хотин-қизларни, ёш болаларни аёлларни ижтимоий ҳимоялаш борасида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ижобий натижалар бераётганини таъкидлаб ўтдилар.

— Корхонамизда хизмат қилаётганларнинг аксарияти узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган хотин-қизлар ҳисобланади, — дейди бошқарма ходимлар бўлими мудири Машхура Мирраҳимова. — Улар оилада ҳам, иш жойларида ҳам орасталикка интилишади. Оилавий тарзда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларимиз ҳам бор. Уларнинг ҳамма-



ЎЗА сурати.

сига ҳомий ташкилотлар томонидан совға-саломлар ташкил этилди.

— Мен шу корхонада 18 йилдан буён меҳнат қиламан, — дейди биринчи даражали диплом соҳиби Гулҳеҳра Ёқубова. — Марказий майдонга туташ бўлган Сайилгоҳ кўчасининг тозаллиги ва ободончилигига қарайман. Хар тонг ишга чиқарканман, шаҳримизда юз бераётган ўзгаришларни, бунёдкорликларни кўриб қувонаман.

Меҳнат қилиб, кам бўлганим йўқ. Фарзандларим ҳам шу корхонада фаолият кўрсатади. Турмуш ўртоғим суз-созлик йўналиши бўйича ишлайди. Худога шукр, ўғил уйлантириб, қиз чиқардик, орзу-хавасларини кўрдик.

Ғолиблар сафидан ўрин олган Саодат Саидова ҳамда Насиба Мухамедова ҳам қарийб 20 йилдан буён Ободонлаштириш бош бошқармасида фаолият кўрсатар экан. Улар ўз

меҳнатлари муносиб тақдирланганидан хурсанд. Шунингдек, турли номинатсиялар ғолиби деб топилган ишчи-ходимларга фахрий ёрлик ҳамда совға-саломлар топширилди.

Тадбир якунида Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари томонидан Раҳод Нури Гунтекин асари асосида тайёрланган «Халала» спектакли намойиш этилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁОБ-ҲАВОНИ
БОШҚАРИШ

лойиҳасини амалга
оширмоқчи



Хитой мамлакат ҳудудида об-ҳавони кенг миқёсда бошқаришни режалаштирмоқда.

South China Morning Post нашрининг хабар беришича, мутахассислар Тибет тоғи устида сунъий булутларни яратиш таклифини илгари суришмоқда. Бу йилига 5 миллион куб метрдан кўпроқ сув яратишга имкон беради.

Атмосферадаги чегара қатлами ва тропосфера орасида сув бугини ташиш учун барқарор, тартибланган ва «Осмон дарёси» деб номланган қатлам мавжудлигини олимлар таъкидлашмоқда.

Сунъий ушлаб олиш учун олимлар атмосферага ракета ва самолётлар ёрдамида етказиладиган кимёвий моддаларни қўллашни таклиф қилишмоқда.

Хитой марказий қисмининг гарбида жойлашган Цинхай вилояти мамлакатнинг энг қурғоқчил ҳудудларидан ҳисобланади. Худудда Янцзи, Хуанхэ ва Меконг каби йирик дарёларнинг бошланғич қисми жойлашган. Қурғоқчиликка қарши курашиш мақсадида Хитой икки йил аввал Янцзи дарёси сувларини шимол томонга йўналтиришга киришганди.

ДУНЁДАГИ 3,7
МИЛЛИОН БОЛА
ўқиш имкониятидан
маҳрум

Дунёда 3,7 миллион нафар бола ўқиш имконига эга эмас. Бу ҳақда БМТнинг муҳожирилар масалалари бўйича Олий комиссариати бошқармаси томонидан (МОКБ) Женевада чоп этилган ҳисоботида келтирилган.

Ҳисоботга кўра, муҳожир болаларнинг ярмигина бошланғич мактабга боради. Қочқинлар оиласидаги болалар улғайгани сари, уларнинг ўқиши давом эттириш имкониятлари камаймоқда, муҳожир-ўсмирларнинг 22 фоизигина ўрта мактабга қатнайди ва фақат бир фоизигина олий таълим муассасаларига киради.

МОКБ ҳисоботи 19-20 сентябрга мўлжалланган БМТ Бош Ассамблеясининг оммавий миграция ва қочқинлар муаммоларига бағишланган йилги ўқув тайёрланган. Олий комиссариат бошқармаси ҳукуматлар, донорлар, халқаро ташкилотлар ва хусусий сектордаги ҳамкорларни болалар ва ўсмирларнинг билим олиш учун фаолроқ ҳаракат қилишга қачирди. Бошқарма маълумотига кўра, 2015 йилнинг охирида дунёда 65,3 миллион муҳожир қайд этилган, муҳожир болаларнинг ярмидан кўпиди билим олиш учун умуман имконият йўқ.



ЎЗБЕКISTON

аҳолиси ижобий
фикрловчи
мамлакатлар
рейтингида тўртинчи
ўринда

АҚШнинг жамият фикри
урғунчи Gallup инсти-
тутути аҳолиси энг ижо-
бий фикрловчи мамлакат-
лар рейтингини (Global
Emotions Report) эълон
қилди. Унда 140 мамлакат
аҳолисининг ҳис-туйғулари
ўрғуниб чиқилди. Тадқиқот
натижалари Gallup сайти-
да берилди.

Мазкур рейтингда би-
ринчи ўринни Гватемала
эгаллади. Ундан кейинги
ўринда Гондурас ва Параг-
вай давлатлари қайд этил-
ди. Ўзбекистон тўртинчи
поғонага муносиб кўрилди.

Кучли ўнликка, шу-
нингдек, Эквадор, Сальва-
дор, Индонезия, Коста-
Рика, Швейцария ва
Колумбия кирди.

«ПОЕДЕМ, ПОЕДИМ!»

кўрсатувининг
навбатдаги сони
Ўзбекистонда
суратга олинади

Тошкент халқаро сайёҳ-
лик ярмаркаси доирасида
«Поедем, поедим!» дастури-
ни суратга олиш гурӯҳи
Ўзбекистон ҳақида иккин-
чи кўрсатувни тайёрлайди.

Ўзбектуризм» Миллий
компанияси матбуот хиз-
мати берган хабарга кўра,
бу сафар дастур Тошкент
ва Хоразм воҳаларида ба-
ғишланади. Кўрсатувнинг
Ўзбекистон ҳақидаги би-
ринчи сони Самарқандда
олинган ва томошабинлар-
да катта қизиқиш уйғотган
эди. Шунинг учун яна бир
кўрсатувни тасвирга олиш-
га киришилди.

ЯНГИ ИХТИРО

Олимларимиз тўқима-
лардаги сурункали эпители-
ни камайтириш усулини ик-
тиро қилдилар. Мазкур усул
туббиётда, чунончи ўпка,
юрак ва бошқа ички орган-
ларнинг юқумли бўлмаган
касаликлар билан оғирган
беморларда сурункали эпите-
лия даражасини камайти-
ришда қўлланилади.

Интеллектуал мулк агент-
лигининг расмий сайтида
берилган хабарга кўра,
олимлар олдига қўйилган
вазифа — артериал қонда
карбонат ангидрид газининг
тикланишини таъ-
минлашдан иборат бўлган.

Муаллифлар — Моҳиғул
Жўраева, Маҳфуза Мад-
умарова, Моҳичехра Собир-
рова ва Ниҳодфар Ашур-
алиева ушбу ихтиро учун
ИАП 05241 рақамли патент
олдилар.

ГЛОБАЛ МУАММО

«ОЗОН ВА ИҚЛИМ: ДУНЁ ҲАМЖИҲАТЛИГИДА ТИКЛАНМОҚДА»

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида «16
июнь — Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш кунини»
муносабати билан «Озон ва иқлим: жаҳон ҳамжамияти
қўмағида тикланмоқда» мавзусида ўтказилган тадбир
озон тўйнуқлари орқали ўтадиган ультрабинафша нур-
ларнинг инсон саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот
дунёсига салбий таъсирига, озон қатламининг емири-
лишига олиб келаётган омилларни камайтириш бора-
сида дунё ҳамда республика миқёсида эришилган на-
тижалар ва ютуқлар билан кенг жамоатчиликни та-
ништиришга бағишланди.

Унда қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташки-
лотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Маълумки, Ўзбекистон Рес-
публикаси 1993 йил 18 май кунини
озон қатламини ҳимоя қилиш
тўғрисидаги Вена конвенцияси ва
озон қатламини емирувчи мод-
даларга доир Монреаль прото-
колини имзолади. Мазкур ҳуж-
жатларга қўшилган келиб чи-
қадиган мажбуриятларни ўз зим-
масига олиш асосида, ҳукума-
тимиз томонидан озон қатлами-
ни емирувчи моддалардан фой-
даланиш қисқартириш борасида
Давлат дастури тасдиқланди.
Мазкур Дастурда Ўзбекистон то-
монидан халқаро мажбуриятлар-
ни босқичма-босқич амалга оши-
риш белгилаб қўйилди.

2001-2007 йилларда мамла-
катимизда Давлат дастурининг
озон қатламини емирувчи мод-
далардан фойдаланишни қис-
қартириш борасидаги биринчи
босқичи амалга оширилди. Халқ-
аро ташкилотлар қўмағида озон
қатламини емирувчи моддалар-
дан фойдаланишни қисқарти-
ришга қаратилган, қиймати 3,4
миллион АҚШ доллари бўлган 5
лойиҳа амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, республи-
камизда 99,95 фоиз озонни еми-
рувчи моддалар фойдаланишдан
тўлиқ чиқарилган. Ўзбекистон
Республикаси Табиатни муҳофа-
за қилиш давлат қўмитаси, Бир-
лашган Миллатлар Ташкилоти
Тараққиёт Дастури (ТД) Глобал
экологик жамғармасининг «Ик-
ти-содиёт ўтмиш давридаги мамла-

катлар ҳудудидида озонни емирув-
чи моддалардан фойдаланишни
жадал қисқартиришнинг бирлам-
чи бажарилиши» қўшма лойиҳа-
сининг бу борадаги аҳамияти бе-
қиёсдир. Ушбу лойиҳанинг изчил
амалга оширилиши туфайли юр-
тимизда озонни емирувчи мод-
далардан фойдаланишни камай-
тириш борасида сезиларли на-
тижаларга эришилди.

— Ушбу лойиҳанинг устувор
йўналишларида бири Ўзбекистон
Республикасида ҳавони совутиш
соҳаси корхоналари салоҳиятини
ошириш, — дейди лойиҳа мене-
жери Абдор Ходжаев. —
Гидрохлорфторуролеродларни
(ГХФУ) чиқариб олиш ҳамда улар-
ни рециркуляция қилиш бўйича
Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-
да бешта Марказ ташкил этила-
ди. Юздан ортқ давлатга қараш-
ли ҳамда ҳусусий корхоналар за-
монвий асбоб-ускуналар билан
таъминланади.

Жорий йилнинг 13-14 сен-
тябрь кунлари Ўзбекистон Рес-
публикаси Табиатни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси ва
Ўзбекистондаги БМТ ТДнинг та-
шаббуси билан ташкил этилган
марказий ва маҳаллий ОАВ ва-
килларининг Фарғона водийси
корхоналари бўйлаб қилган са-
фари пайтида бу борада қили-
наётган ишлар ва эришилётган
ютуқлар намойиш этилди.

Медиасафар катнашчилари
Фарғона ва Андижон бўлади.



У.А. сураги.

совутиш агентларини рециркуля-
ция қилиш ва қайта ишлатиш
бўйича Марказда, маиший ва са-
ноат совутиқчилари ва ҳавони
мўтадиллаштириш ускуналарига
хизмат кўрсатувчи бир неча кор-
хоналарда бўлишди. Жумладан,
улар Фарғонадаги «Альбатрос»
оилавий корхонасига махсус ус-
куна ва асбобларни топшириш
маросимидида иштирок этишди.

Мазкур корхона бир йилда
мингга яқин совутиқ ва ҳавони
мўтадиллаштирувчи ускуналар-
га хизмат кўрсатади. Илгарилар-
и ушбу ускуналарнинг иш жа-
раёнида фойдаланиладиган
фреон моддаси муддатини ўтаб
бўлган, чиқит сифатида ҳавога
чиқариб юборилар, бу эса озон
қатламига таҳдид соларди.
Ҳозирги пайтда ушбу хатар ба-
тарф этилди. «Альбатрос» оила-
вий корхонасининг мутахассис-
лари чикинди фреонни Фарғона
шаҳридаги «Шомур» марказига
топиради. Бу ерда захарли
модда зарарсизлантирилади,
тўйинтирилади ва яна «Альбат-
рос»га қайтарилади. Натижада
уни совутиқ ва ҳавони мўта-
диллаштириш ускунасига қайта
қўйиш мумкин бўлади.

Намангандаги «Тўхтаназаров
Бахтиёр» ҳусусий корхонаси,
«Olmos Farm Text» масулуятчи
чекланган жамиятида ҳам уску-
налардан таркибиди гидрохлор-
фтор сакловчи газларни рецир-
куляция қилувчи, яъни газларни

— Ушбу жараён махсус
технологик воситалар ва ускуна-
лар ёрдамида бажарилади, —
дейди «Альбатрос» оилавий кор-
хонаси раҳбари Алишер Ёдгоров.
— Уларни бизга БМТ ваколатхо-
наси бепул берган. «Шомур» ҳу-
сусий корхонаси ҳам фреон то-
залаш ускуналарини БМТ лойи-
ҳасига биноан бепул олган.

Медиасафар давомида Анди-
жон шаҳридаги «Хлодомонтаж»
ҳусусий корхонаси қошидаги
марказга ҳам замонвий асбоб-
ускуналар топширилди.

— Марказ фаолияти озон қат-
ламини ҳимоя қилиш соҳасида
муҳим аҳамият касб этади, —
дейди тадбир иштирокчиси,
Андижон шаҳар табиатни му-
ҳофаза қилиш инспекцияси
етакчи мутахассиси Эркин-
жон Музаффаров. — Озонни
емирувчи моддалардан фойда-
ланиш борасидаги назоратни ку-
чайтиради.

Намангандаги «Тўхтаназаров
Бахтиёр» ҳусусий корхонаси,
«Olmos Farm Text» масулуятчи
чекланган жамиятида ҳам уску-
налардан таркибиди гидрохлор-
фтор сакловчи газларни рецир-
куляция қилувчи, яъни газларни

чиқариб, қайта ишлаб, яна
фойдаланишга жорий этиш им-
кониятини берувчи технологик
мосламалар ишга туширилди.

Мазкур мосламалар хлорф-
тор углеродлари билан ишлай-
диган фреон моддасининг ат-
мосфера ҳавосига салбий таъ-
сирини камайтиришда муҳим
аҳамият касб этади.

— Бу борада Ўзбекистоннинг
бошқа давлатлар билан ўзаро
тажриба алмашинуви алоҳида
аҳамиятга эга бўлмоқда, — дей-
ди Табиатни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси Атмосфера
ҳавосини муҳофаза қилиш
Бош бошқармаси бошлиғи
Надежда Доценко. — Бугунги
кунда юртимиз олимлари томо-
нидан озон қатламини емирув-
чи моддаларни маиший, саноат
ва қишлоқ ҳўжалиги соҳалари-
да фойдаланишдан босқичма-
босқич чиқаришга қаратилган
кенг қўламли тадқиқотлар олиб
борилаяпти.

Тадбир сўнгида журналист-
ларнинг саволларига атрофли-
ча жавоб берилди.

Аҳмадулла СОЛИЕВ,
Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Шаҳбоз САИДОВ.

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

БОЛАНГ БЎЛСА, ШЎХ БЎЛСИН, ШЎХ БЎЛМАСА, ЙЎҚ БЎЛСИН

Ушбу мақолни «Йигит де-
ган шўх бўлсин, шўх бўлмаса
йўқ бўлсин»; «Йигит бўлсанг,
шўх бўл, шўх бўлмасанг, йўқ
бўл»; «Бўлсанг шўх бўл,
бўлмасанг йўқ бўл», деб ҳам
қўллайдилар. Халқ қўшиқла-
ридан бирида шундай тўртлик
ҳам бор:

Йигит бўлса шўх бўлса,
Юрса, кўчалар тўлса.
Дўстлар кўриб суюнса,
Душманлар куйиб ўлса.

Булар халқ ўртасидаги
«Шўх бола эрта қуйилади»,
яъни барвақт босилиб, тез
ақли қиради, деган тушунча-
нинг маъсулидир. «Шўх бот
қуйилар, шилқим бот суйи-
лар» ҳам дейдилар. Ҳаётини
қўзатишлар кўпчилигини қуйи-
даги ҳулосага олиб келган:
«Ёшлиғида шўх бўлган бола
тез орада қуйилади, ғайрат-
чан, тадбиркор, уйдабурон,
ботир киши бўлиб етишади.
Ёшлиғида бўшган, ланж
бўлганлар эса катта бўлган-
да ҳам шундайлигича қолади
ва ялқовлиги туфайли ҳаётини
қийналиб ўтказида». Буни,
албатта, ҳаётини қўнантир деб
бўлмайди, лекин кўп ҳоллар-
да тасдиғини топган ҳодиса-
лардир.

БОР БЎЛСАНГ ОШМА, ЙЎҚ БЎЛСАНГ ШОШМА

Ошма — бу ерда «мақтан-
ма, манманликка берилма»
маъносига; шошма — «сабр
қил, умидсизланма, ўзингни
йўқотма, бардам бўл» маъ-
носида келтирилган ҳамда
мол-дунёси борларга ошқ-
маслик, камбағаллашиб қол-
ганларга тушкунликка туш-
маслик кераклиги ўқтирила-
ди.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2016 йил 18 август кунини
ўтказилган очик аукцион
савдоси натижаларига
кўра, «DAVLAT BELGIS»
ДИЧБ Тошкент Қоғоз
фабрикаси балансидаги
д/р 01/575НВА бўлган
«Дамас» 13 800 000
сўмга сотилганлигини
маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

БУГҲН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+27/+15	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+33/+18	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+33/+18	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+35/+20	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+33/+18	
Тошкент шаҳри	+32/+18	

РЕКЛАМА

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2016 йил 4, 6, 11 ва 13 октябрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали
ташкил этиладиган савдоларга таклиф этади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фойлият миллий
банкнинг қуйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари такрорий равишда қўйилади:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдога қўйилаётган объект- нинг бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 2-уй	Мехмонхона хизмат- ларини кўрсатиш	24 008 000 000,0	10 528 531,58
2	«TOSHKENT QO'G'OZI» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй	Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	29 198 000 000,0	12 804 567,86
3	«XORAZM GILAMLARI» МЧЖ	Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Обводная кўчаси, 7-уй.	Гиламлар ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш	50 227 000 000,0	17 770 159,35

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:

Савдо қолиби улуш сотилиш баҳосининг бўнак
пули сифатида қамда 15 фоиз миқдорини сав-
до ўтказилгандан сўнг, қолган қисмини олди-соти-
д шартномасида белгиланган муддатда сотув-
чининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабгор томо-
нидан мажбуриятлар бажарилишининг таъмин-
ланиши сифатида тўланган закат пули шарт-
нома суммасига киритилади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб
тўлаш муддати 7 (етти) йилгача бўлган муддатни
ташкил этади.

Тўғридан-тўғри музокаралар орқали сотиш
жараёнида сотилаётган улушнинг бўнак пули миқ-
дори 15 фоиздан кўпроқни ҳамда тўловларни
бўлиб-бўлиб тўлашнинг яқини муддати 7 йил-
дан камроқ муддатда сотилиши бўйича музока-
ралар олиб берилиши мумкин.

Савдо объекти, ҳўжалик жамияти фаолияти-
ни тиклаш мақсидида киритилган маблағлар хар-
идор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб

берилиши шарт билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали
сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун
тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг
қолдинга қонлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб,
шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўла-
нганга қадар объектни ўзига бериш ва унинг шахс-
ларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳўқуқисиз (сотув-
чи — «Узмилиқбан» бундан мустасно) тўланади.

Ҳўжатларни расмийлаштиришда зарур бўла-
диган давлат божи, гаров таъминоти таъмин-
лаш билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумла-
дан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва
суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо таш-
килотчасига тўланадиган комиссия тўловлар,
савдо ташкилотчасининг савдонини ташкиллашти-
риш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда
юзга келадиган бошқа харажатлар харидор маб-
лағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгор
қуйидаги ҳўжатларни такдим этиши лозим:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан
ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, устав нусхаси,
шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколат-
ли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳўж-
жат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳўж-
жатларида белгиланган тартибда расмийлашти-
рилган ишончнома;

жиоминий шахслар учун — паспорт (истико-
мат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли ва-
кил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тас-
диқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда,
қонун ҳўжатларида ўрнатилган тартибда рас-
мийлаштирилган ишончнома;

— эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига
заказлат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов
ҳўжжати нусхаси.

— икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солин-
ган ва қўйилганлигини ўз ичига оладиган талаб-
гор тақдирлари;

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган
суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Бунда, такдим этилган ҳўжатларнинг барча ва-
рақлари талабгор имзоси ва муҳри (муҳр мавжуд
бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлиши ло-
зим.

Савдода иштирок этиш учун, талабгорлар то-
монидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш
орқали сотилаётган улушлар бошланғич нарха-
ларининг 1 (бир) фоизи миқдориди закат пули-
ларини «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO»
МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шаҳонтоҳур фи-
лиалидаги МФО: 00425, СТИР: 302071274, 2020
8000 704 929 318 001 ҳисоб рақамига тўлаш-
лари лозим.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган
ҳўжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул
қилиш, расмий иш кўнларида мазкур эълон чиқ-
қан кўндан бошланади ва савдо ўтказиш бошла-
нишдан қамда уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар
билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ман-
зилгача бориб танишиш мумкин.

Савдоларга такдим этилган таклифларни
ўрғаниб чиқиш, белгиланган савдо кўнлари соат
11-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган ман-
зилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур
шоҳ кўчаси, 16-«А»-уй, 3-қават, 307-хона
(Махлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа во-
ситаляри:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод
тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; теле-
фон: (0-371) 234-11-22, 234-15-60; телефакс:
234-43-31.

Савдо ташкилотчаси: Тошкент шаҳри, Мир-
обод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»-уй,
4-қават, 401-хона; телефон: (0-371) 232-02-49;
телефакс: 232-23-40, электрон почта:
TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihiiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
8786
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:50
Topshirilgan vaqti — 00:15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV